2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 250 (772), 2022 йил 8 декабрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуғ тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё миқёсида "Янги Ўзбекистон" деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислоҳотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда **"Инсон — жамият — давлат"** деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислоҳотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципиал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз — турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги — 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмоқдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

# ЕР ОСТИ СУВЛАРИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ер ости сувларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Ер ости сувлари табиат ва аҳоли учун энг зарур чучук сув манбаларидан бири. Ундан тартибсиз фойдаланиш оқибатида кўп жойларда ер ости суви камайиб кетмоқда. Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг айрим ҳудудларида унинг сатҳи 5 метргача пасайиб кетган.

Шунга қарамай, жойларда рухсатсиз қудуқлар бурғилаш, ер ости сувларидан назоратсиз ва ҳисобсиз фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Шу боис, Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ер ости сувлари муҳофазасини кучайтириш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, ер ости сувининг сатҳи 5 метрдан зиёд пасайган ҳудудларда қудуқлар бурғилаш ва ер ости сувларидан фойдаланишга мораторий жорий қилинади.

Ҳозирги кунда қудуқларнинг 90 фоизида ҳисоблагич йўқлиги сабабли ер ости сувлари сарфи тўғрисида аниқ маълумот тўплаш имкони бўлмаяпти. Шунинг учун ер ости сувларидан фойдаланувчиларга 2024 йил 1 январга қадар ўз тасарруфидаги иншоотларни сув ҳисоблагич билан жиҳозлаш мажбурияти қўйилмоқда.

Шунингдек, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ҳар бир қудуққа алоҳида эмас, балки қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатнома бериш йўлга қўйилади. Сатҳи пасайиб кетаётган ер ости суви конларини тубдан қайта баҳолаш бўйича геология-қидирув ишлари амалга оширилади.

Яна бир янгилик — ер ости сувларининг ҳолатини кузатиб бориш, хавфли геологик жараёнлардан муҳофаза қилишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида Давлат геологик мониторинг хизмати ташкил этилади.

Умуман олганда, бу чора-тадбирлар ер ости сувининг камайиш жараёнини тўхтатиш ва бошқа ҳудудларда бундай ҳолат юзага келишининг олдини олишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, сувдан ҳисобсиз фойдаланишга чек қўйиш, бу борада интизомни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Чучук сув манбаларини асраш ва аҳоли учун узоқ муддатга етадиган захира яратиш муҳимлигини таъкидлади.

**ЎзА**

## 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.**

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **402** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **128** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **201** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **15** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **58** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **17** нафарини чет эл фуқаролари, **63** нафарини аёл, **26** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда **19** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

ШУ ЗАМИНДА ЯШАЁТГАН МИЛЛАТИ, ТИЛИ, ДИНИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ФУҚАРОЛАР УЧУН МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун. Жорий йил Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 30 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Давоми 2-бетда

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

## МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИГА АЙЛАНТИРАДИ



**Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан манзилли ишлашда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган юртдошларимиз муаммоларини "хонадонбай" ҳал этишда, ҳеч шубҳасиз, маҳалла органлари муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролик жамиятининг ноёб институти сифатида давлат ва жамиятни, ҳар бир фуқарони бирлаштирувчи муҳим бўғиндир.**



Ўрни келганда айтиш кераккки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси маҳалла институти фаолияти самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш вазифасини ҳал этиш учун ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНА БИР ДРАЙВЕРИ

## НАВОИЙ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ БУГУНГИ КУНДА ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

Дастлаб Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги фармонига асосан, вилоятнинг Кармана туманида мамлакатимиздаги биринчи эркин зона — Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилган эди. 2018 йил 5 июнда Президентнинг “Навоий эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навоий вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Навоий шаҳри ҳудудидаги 80 гектарга яқин фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари Навоий эркин иқтисодий зонаси ҳудудига киритилди.

Бугунги кунда Навоий эркин иқтисодий зонаси йирик ишлаб чиқариш қувватлари мажмуасидир. Сўнгги йилларда ҳудуддаги 56 корхона негизида қиймати 420 миллиард 800 миллион долларлик 71 лойиҳа амалга оширилди. Натижада 6172 фуқаронинг бандлиги таъминланди. Қулай ишбилармонлик муҳити, тадбиркор ҳамда инвесторлар учун яратилган шароитлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даврида Навоий эркин иқтисодий зонаси корхоналари 3 триллион 612 миллиард 100 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Бу кейинги йиллардаги энг юқори ўсиш кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳозир 20 корхона томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. Йил бошидан бугунги кунга қадар қиймати 50 миллиард 22 миллион долларлик маҳсулот жаҳон бозорига етказиб берилди.

Жумладан, Навоий эркин иқтисодий зонасидаги телекоммуникация ва электротехника қурилмалари ишлаб чиқарадиган корхона 2012 йилда 30 ишчи-ходим билан фаолиятини бошлаган. Ўша вақтда лойиҳа қиймати 2 миллион долларни ташкил этган бўлса, ўтган йиллар давомида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб олти баробар ошди ва 12 миллион долларга етди. Корхонада бугунги кунда 150 дан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

Корхонадаги иккита цехнинг биринчисида қурилмалар тайёрланса, иккинчисида маҳсулотлар йиғилиб, тайёр ҳолга келтирилади. Айни вақтда ушбу маҳсулотлар нафақат ички бозорга етказиб берилмоқда, балки қатор хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Замонавий ускуналар, мустаҳкам моддий-техник имконият, малакали мутахассислар сифатли ҳамда кафолатли маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Телекоммуникация ва электротехника қурилмаларини тайёрлаш эса давр талабига айланди. Бугунги рақобат муҳитида ўз брендига эга бўлиш ва мижозини топиш учун корхонада меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлардан масъулият, маҳсулот турлари устида ишлаш, янгиликка бўлган интилиш талаб этилади. Корхона маҳсулот ҳажми ортиши айнан шу жиҳатларга қаратилган эътибор самараси, десак хато бўлмайди.

— Дастлаб корхонамизда икки-уч турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилар эди. Бугунги кунда бозор талабига асосан, маҳсулот турларини кўпайтиряпмиз. Мисол учун, телекоммуникация ва электр қурилмалар алоҳида-алоҳида ишлаб чиқарилади. Айни вақтда юқори оптик толали маҳсулотларимиз республикамиз бўйлаб етказиб берилмоқда. Маҳаллалар ва хонадонларга интернет тармоғи тортилаётгани сабабли қурилмаларимизга талаб юқори. Талабдан келиб чиқиб, қуёш нурида ишлайдиган турли лампалар тайёрлаяпмиз, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Анвар Жумаев.

Албатта, маҳсулотга талаб бўлсагина, уни таклиф этиш зарурати пайдо бўлади. Юртимизда телекоммуникация ва электротехника қурилмаларини ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар кўп. Бу эса юқори сифатли маҳсулотларни экспортга чиқариш имкониятини янада кенгайтиради.

— Айни вақтда маҳсулотларимизни қўшни мамлакатларга экспорт қиляпмиз ва бошқа давлатлар мутасаддилари билан ҳам музокаралар ўтказяпмиз. Янги йилдан янги шартномалар имзоланади. Маҳсулотларимиз барча экспорт талабларига жавоб беради. Масалан, ҳозир корхонамизда ишлаб чиқарилаётган моноблок қурилмани экспорт қилиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда, — дейди Анвар Жумаев.

Яхши мутахассис ўз иш ўрнини албатта топади. Малакали ходимлар эса ёшларнинг тажриба оширишига масъул. Бу борада “устоз-шогирд” анъаналарини йўлга қўйиш аҳамиятли. Шу боис, касб-ҳунар мактаблари битирувчилари ҳам ана шундай йирик корхоналарда иш билан таъминланмоқда. Амалиёт даврида ўз билими, интилувчанлиги, салоҳиятини намоён этган 3 нафар ёш меҳнат фаолиятини мазкур корхонада бошлаш имконига эга бўлди.

— Навоий шаҳри касб-ҳунар мактабида ўқиб, шу корхонага ишга келдим. Бу ерда барча шароитлар яратилган. Касб-ҳунар мактабида ўрганганларим амалиётда қўл келмоқда. Малакали ва тажрибали ходимлардан янада кўпроқ тажриба ўзлаштиряпмиз, — дейди Бахтиёр Хайриддинов.

Яқин келажакда Навоий эркин иқтисодий зонасида қиймати 397 миллиард 900 миллион сўмлик 46 янги лойиҳа ишга туширилиши кутиляпти. Хорижий инвестициялар ҳисобига барпо этиладиган қувватлар фаолият турларини кенгайтириш, импорт қилинаётган товарларни вилоятнинг ўзида тайёрлаш имконини берибгина қолмай, ёш мутахассислар бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

— Замонавий турдаги тез уланувчи интернет қурилмаларини ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Бу қурилмаларда интернет тезлиги икки баравар ошиши кўзда тутилган. Қолаверса, қурилмаларда юзага келадиган муаммолар онлайн кузатиб турилади. Бу эса уларни тез бартараф этиш имконини беради. Шунингдек, корхонамиз моноблоклари тури 5 тага етказилади ва техник параметрлари янада кучайтирилади. Режаларимиздан яна бири қуёш коллекторларини ишлаб чиқаришдир. Бу қурилма қуёш нуридан электр энергияси олиш орқали сувни иситиб беради, — дейди телекоммуникация ва электротехника қурилмаларини ишлаб чиқарадиган корхона ходими Ойбек Мискинов.

Электр энергиясини тежайдиган чироқлар нафақат ҳамёнбоп, балки кечки пайтда ҳам етарлича ёруғлик тарқатиш имконини беради. Навоий эркин иқтисодий зонасидаги корхоналардан бирида айнан ёриткичлар тайёрланади. Улар орасида декоратив, яъни ҳар қандай бино ёки иншоотга ўзгача чирой бағишлайдиганлари ҳам борки, бу хоналар интерьерини безашда қўл келади.

Замонавий ёриткичлар ишлаб чиқариладиган ушбу корхонада 2021 йилда 570 минг донадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йилнинг якунига қадар 840 минг донага етказилиши кўзда тутилган. Бу эса йил давомида 30 миллиард сўм даромад кўриш демакдир. Бундай ёриткичлар электр энергиясини икки баробар тежайди ва одатдагилардан икки баробар кўпроқ ёруғлик таратади.

Албатта, маҳсулот сифати ходимлар масъулиятига боғлиқ. Маҳаллий мутахассислар Хитойдан келтирилган хомашёдан ёриткичлар тайёрлашгача бўлган бир неча босқичдан иборат жараённи бошқаради.

— Корхонамиз иш фаолиятини бошлаганда 5 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунги кунда улар 230 тага етди. Кўча чироқлари, панелли лампалар, қуёш панели учун ва декоратив лампаларимизга бугунги кунда талаб юқори. Сифатига икки йиллик кафолат берилади, — дейди корхона ходими Муродбек Журунбоев.

Корхонада бугунги кунда 100 дан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда ва эътиборли жиҳати, уларнинг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ходимларни ишга қабул қилишда асосий эътибор “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган ва касб-ҳунар мактабларини тугатган хотин-қизларга қаратилган.

— 2020 йилда ушбу корхонага ишга кирганман. Албатта, ишим ўзимга ёқади ва бир кунда 200 тагача ёриткич тайёрлайман. Ишчи-ходимларга яратилган шароитлар жуда яхши, — дейди Лобар Отауллаева.

Бугунги кунда Навоий эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқариш корхоналар сони ортиб бормоқда. Бу эса иқтисодиёт ривожи билан бирга, янги иш ўринлари яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозир яна 4 корхона Навоий эркин иқтисодий зонаси иштирокчисига айланди. Демак, янги ташаббус, интилиш ҳамда имкониятлар йирик қувватлар сони ортиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**журналист**

# САМАРА ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА

Шерзод Раҳмонов анчадан буён ўйлаб юрган режаси — Боғибаланд қишлоғидаги тоғ этакларида боғ барпо этишга ниҳоят аҳд қилди. Аммо қишнинг совуқ кунлари марказга бориб, тегишли ҳужжатларни топшириб, тадбиркорлик учун давлат рўйхатидан ўтиши, уч соат йўл юриб, Давлат хизматлари марказига бориши лозим.

Агар бирор ҳужжат керак бўлиб қоладиган бўлса, иш битмай эртанги кунга қолиши аниқ. Шуларни ўйларкан, бошлаган иши охирига етмай қолишидан хавотирланди. Шу масалада ҳоким ёрдамчисига қўнғироқ қилиб, маслаҳат солди. Ҳоким ёрдамчиси маҳалла идорасида марказ филиали очилганини маълум қилганида Шерзод қўлига керакли ҳужжатларни олганча маҳалла томон шошилди.

Маҳалла идорасидаги “Давлат хизматлари маркази филиали” деб ёзилган хонага кирди. У ерда қисқа маълумот алмашинувидан сўнг керакли ҳужжатлар тақдим этилди. Тезда рўйхатга олиш бошлаб юборилди. Узоғи билан йигирма дақиқада барча ишлари якунланиб, тўлиқ рўйхатдан ўтказилди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар натижасида аҳолининг оғири енгил, узоғи яқин бўлмоқда. Жумладан, нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки чекка-чекка манзилларда ҳам Давлат хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса одамларнинг нақди ва вақти тежалишига, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинишига хизмат қилаётир.

Қашқадарё вилоятининг деярли барча ҳудудларида Давлат хизматлари марказлари очилган. Марказ филиаллари эса айни пайтда вилоятнинг энг олис 22 жойида ташкил этилган. Шунингдек, доимий равишда белгиланган график асосида мобил хизматлар ҳам ташкил этилмоқда.

Жорий йил 17 мартда давлатимиз раҳбарининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасаларининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинганди. Ҳужжатга мувофиқ, Давлат хизматлари марказлари ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари адлия бўлимларига қўшилди. Бу эса жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугун аҳолига янада кенг имкониятлар яратиш, уларни ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун қилинган ва қилинаётган ишларни ҳар бир манзилда гувоҳи бўляпмиз. Бу эса юртимиздаги ислоҳотлар амалда ўз самарасини бераётганидан далолат.

**Мурод ЭШНАЗАРОВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

## ШУ ЗАМИНДА ЯШАЁТГАН МИЛЛАТИ, ТИЛИ, ДИНИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ФУҚАРОЛАР УЧУН МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда ҳуқуқий демократик ва очиқ фуқаролик жамияти, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Бош қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Конституцияси шу заминда яшаётган миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқаролар учун мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя ҳамдир. Ушбу қутлуғ сана муносабати билан хорижлик дипломатлар, сиёсатчилар, чет элда таълим олаётган ёки меҳнат қилаётган ватандошлар ўз табрикларини йўлламоқда.

**Ари КАГАН,**
**Нью-Йорк шаҳри депутати (АҚШ):**



— Мен Америка Қўшма Штатларида ўзбекистонликлар энг гавжум ва жипс бўлиб яшайдиган Бруклин туманидан сайланган Нью-Йорк шаҳри депутатиман.

Ўзбекистон ва унинг халқи, мамлакат тарихи, ўзбекларнинг урф-одат ва анъаналари, ўзига хос қадриятлари ва миллий байрамлари билан жуда яқиндан танишман.

Ҳар бир халқнинг Конституцияси унинг ўзига хос маданиятини, шарт-шароит ва қадриятларини ўзида акс эттиради. Қолаверса, Конституция ҳар бир фуқаронинг умумбашарий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи асосий ҳужжатдир. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциялари ушбу умумий мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатингиз босиб ўтган ғоят мураккаб ва шарафли йўл Бош қонунингизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Янги Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари таъминланиши, халқ фаровонлиги оширилиши йўлидаги изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, албатта, диққатга сазовордир.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

**Шаҳодат БОТИРҚУЛОВА,**
**Исроилда вақтинча меҳнат қилаётган ватандош:**



— Мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори, барчамиз учун қадрли бўлган Ўзбекистон Конституцияси куни ҳар биримиз учун фахр-ифтихор ва юксак ғурур билан нишонланадиган айёмга айланган.

Бош қонунимиз юртимизда озод демократик жамият барпо этишнинг, кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси, озод ва эркин ҳаётимизнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги олти йилда Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Буни хорижий давлатларда ишлаётган мен каби ватандошлар жуда яхши ҳис қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган сўзлари бугун амалда ўз тасдиғини топяпти.

Биз халқимизнинг шундай қонуний кафолат олганидан бахтиёрмиз!

Сизларга оилавий бахт ва мустаҳкам соғлиқ тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Байрамимиз яна бир бор муборак бўлсин!

**Юсуф бин Солиҳ ал-Гаҳра ал-УТАЙБИЙ,**
**Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги элчиси:**



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг 2022 йил август ойида Подшоҳликка расмий ташрифи ва мазкур тарихий ташриф давомида икки давлат раҳбарлари интилишларига мувофиқ тарзда давлат ва хусусий секторлари ўртасида битимлар ва англашув меморандумлари имзолангани ўзаро алоқалар тобора тараққий этаётганини ёрқин ифодалайди.

8 декабрь — Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига самимий табрикларим ва истакларимни йўллаб, қардош Ўзбекистонга тараққиёт, фаровонлик ва барқарорлик тилайман.

**Жамшид СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Хитойдаги вакили:**



— Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг октябрь ойига қадар Ўзбекистондан Хитойга 2,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди.

Мамлакатимизда тайёрланган маҳсулотларни Хитойда оммалаштириш ва таништириш мақсадида маҳаллий онлайн савдо платформаларига жойлаштириш бўйича катта кўламдаги ишлар олиб борилди ва келгуси йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишларни кенгайтириш учун асос яратилди.

Биз Хитойда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик, чарм саноати, ҳунармандлик маҳсулотлари ва бошқа товарлар, ўзбек брендларини кенг таништириш бўйича янги режалар қилганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги билан табриклайман.

**Шамсиябону ИРШОДЗОДА,**
**Сержи Париж университети магистранти (Франция):**



— Асосий қонунимиз қабул қилинган шонли сана билан барча юртдошларимизни муборакбод этар эканман, уларга тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзбекистон Конституцияси давлатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида энг муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизни модернизация қилиш ва янада тараққий топтиришга қаратилган улкан қамровдаги ислоҳотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида, шубҳасиз, Асосий қонунимизнинг ўрни беқиёс.

Биз, талабалар ҳаётида ҳам Конституциямиз муҳим ўрин тутади. Унда ҳар бир юртдошимизнинг таълим олиши кафолатланган, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган.

**Музаффар САЛАЕВ,**
**“PwC Middle East” аудит ва консалтинг компанияси бўлим бошлиғи (БАА):**



— Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман!

Конституция мустақил давлатимизнинг асосий қонуни ва рамзидир. Бу, аслида, давлатнинг таъсис ҳужжати бўлиб, у мамлакатни яратишнинг асосий мақсадларини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳужжат мустақилликнинг ёрқин тимсоли бўлиб, унинг қабул қилиниши суверенитетнинг муҳим босқичларидан бирига айланди.

Асосий қонунимизнинг ҳар қандай ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва аҳамияти ҳамиша асосий ҳамда устувор ҳисобланади. Конституция, шунингдек, давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий тизимлари асосларини белгилайди.

Конституция ҳокимият тузилмалари, жамият, умуман, ҳар бир фуқаро биргаликда муваффақиятли ривожланишининг ҳуқуқий кафолатидир. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, кўп миллатли жамиятда тотувлик, давлат тизимининг самарали фаолият юритиши учун хизмат қилади.

Ўзбекистонда Конституция асосида замонавий ва ривожланган давлат қуриш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислоҳотлар туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётир.

**“Дунё” АА**

www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

## МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИГА АЙЛАНТИРАДИ



**Бекзод НАРИМОНОВ,**
**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент**

Бошланиши 1-бетда

Маҳалла институти давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди. Унинг ўзига хослиги шундаки, мазкур тизим ўзини ўзи бошқарувчи фуқаролик институтидир. Ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий бошқарув элементларига эга. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак. Бундан ташқари, Фуқаролик кодекси 73-78-моддаларида ННТларнинг жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, юридик шахслар муассасалари, бирлашмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, матлубот ширкати каби ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган.

Конституциявий қонун лойиҳасига кўра, 32-моддани **"Фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг ўзига хос тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ҳамда анъаналардан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда ва қонун доирасида ҳал этиш ҳуқуқи ҳамда уни амалга ошириш қобилияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши деб эътироф этилади"** таҳририда бериш таклиф этилмоқда.

Маҳалланинг мақоми ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифалари Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйилиши долзарб ҳисобланади. Бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши зарур.

Давлатимиз раҳбари Конституцияга ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида ҳам маҳалла институти мақомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйиш бўйича таклифларни илгари сурган эди.

> **МАҲАЛЛА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИГА КИРМАСЛИГИ ВА ЎЗ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДА МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУРАТИ МАВЖУД. ШУ БОИС, КОНСТИТУЦИЯНИНГ 105-МОДДАСИДА ИЛГАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАРАЖАДА БЕЛГИЛАНМАГАН МАСАЛАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА.**

> **ЮРТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИГА АЙЛАНТИРИШГА ЗАМИН ЯРАТАДИ. БУ ЭСА ЖАМИЯТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.**






Жумладан, маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши зарурлиги айтилди. Бунда давлат органлари маҳаллаларга фаолиятини амалга ошириши учун ҳар томонлама кўмаклашиши мажбурияти мустаҳкамланиши кераклиги таъкидланди.

Амалдаги Конституциямизда фуқароларнинг маҳаллага мурожаат қилиш ҳуқуқи алоҳида мустаҳкамланмаган. Фақатгина давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат бўлгани туфайли Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахснинг ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Аммо давлат бошқаруви соҳасидаги ўзгариш ва ислоҳотлар маҳаллаларга муайян ваколатлар ўтказилишига ва натижада кўплаб масалалар ҳал этилишида иштирок этувчи муҳим тузилмага айланишига олиб келди. Яъни шахс ва маҳалла ўртасидаги муносабатлар тизими кенгаяр экан, бунда, энг аввало, фуқароларнинг маҳалла идорасига ариза, шикоят ва таклиф билдириш ҳуқуқини Конституциямизнинг 35-моддасида мустаҳкамлаб қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, кўп йиллардан буён фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси илмий адабиётларда келтирилган, лекин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур институтнинг юридик мақоми, уларнинг фаолияти мазмунига оид ҳуқуқий кафолатлар белгиланмаганди. Шунингдек, маҳалла фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланиши бўйича аниқ ҳуқуқий асос йўқ эди.

Фуқаролик жамияти мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла), партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади ва унинг мазмунини белгилайди. Улар жамият аъзоларининг фуқаролик фаоллиги, миллий ўз-ўзини англаши, сиёсий маданияти ва юксак маънавиятини юксалтиришга кўмаклашиш, уларнинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш, мустақил фикрлаш, салоҳиятини рўёбга чиқариш, келажагини ўз хоҳиши билан қуриш истагини шакллантиришга қаратилган.

Шу сабабли Асосий қонунимизнинг 56-моддасида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини янада мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Маҳалла давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги ва ўз ваколати доирасида мустақил фаолият юритишининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш зарурати мавжуд. Шу боис, Конституциянинг 105-моддасида илгари конституциявий даражада белгиланмаган масалалар мустаҳкамланмоқда.

**Биринчидан,** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида "маҳалла" тушунчаси илк маротаба Конституцияда қўлланилмоқда. **Иккинчидан,** илгари қонун ҳужжатларида тушунмовчиликларга сабаб бўлган масала аниқ ҳал қилиниб, **"Маҳаллалар давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва ўз ваколатлари доирасида мустақилдир",** деб белгиланмоқда. **Учинчидан,** давлат маҳаллалар фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши, уларга қонунчиликда берилган ваколатларини амалга ошириши учун кўмаклашиши кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда кечаётган конституциявий ислоҳотлар маҳалла институтини жамоатчилик назоратининг асосий бўғинига айлантиришга замин яратади. Бу эса жамиятимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, очиқлик, ошкораликни кучайтириш, эркин ва фаровон жамият барпо этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

# БОШ ҚОМУСИМИЗ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

## ЖАМИЯТ АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИДАН МАНФААТ КЎРИШИ КЕРАК

**Нигора ЮСУПОВА,**
**юридик фанлар доктори**

**Мамлакатимиздаги туб ислоҳотлар жараёни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Бу борада, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила институти мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш учун зарур институционал базани ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.**



Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда **"Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устундир", дея таъкидлар экан, конституциявий ислоҳотларнинг биринчи йўналиши сифатида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласининг муҳим жиҳатларига асосий эътибор қаратди ҳамда энг устувор омилларни таҳлил қилиб берди.**

Давлатимиз раҳбари иккинчи йўналиш сифатида Конституциямизда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилини мустаҳкамлашга қаратилган омилларнинг энг муҳими сифатида аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш, мустаҳкам ва соғлом оила тамойилига алоҳида урғу бериб, ***"...янги авлодни дунёга келтираётган, фарзандлар тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга азал-азалдан халқимиз алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келади"***, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ўз миллий қиёфасида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқимизнинг миллий менталитетига хос ижобий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда майдонга чиқмоқда. Бу давр жамиятимизда аёлларни улуғлаш, давлат томонидан уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишнинг далили сифатида тарихда ёрқин из қолдиради.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, **"Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида Янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.**

**Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди**".

Демократик фуқаролик жамияти қуриш жараёнида жамиятимизда янгича сиёсий дунёқараш, сиёсий маданият шаклланмоқда. Мазкур демократик сиёсий маданиятнинг тараққиёт жараёнида хотин-қизлар манфаатлари янги миқёсда ва мазмунда намоён этилиши, жамият онгида мустаҳкам жой олиши ва ҳар қандай шароитда ўзлигини йўқотмаслиги лозим.

Жамиятни демократлаштириш даврида хотин-қизларга муносабат уларнинг интеллектуал салоҳияти ва имкониятларидан бунёд этилаётган давлатчилик асосларининг либераллиги ва илғорлигидан далолат беради. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги давлатчилигимиз учун муҳим масалалардан бири хотин-қизлар бунёдкорлик жараёнларига қанчалик жалб этилиши, уларнинг бугунги кун жамиятида қанчалик ўзини керакли идрок этиши масаласидир.

Ҳуқуқий давлатда инсон бутун ижтимоий механизм марказини ташкил этиб, бу унинг манфаатларига хизмат қилади. Зеро, инсон манфаатлари таъминланган, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган мамлакатнигина ҳуқуқий давлат, дейиш мумкин. Шу ўринда аёллар масаласи таҳлил этилганда, бир муҳим жиҳатга алоҳида урғу бериш керак. Яъни аёл ҳуқуқлари фақатгина ҳуқуқий ҳолат бўлмай, балки сиёсат, маънавий-маърифий, диний эътиқод ва фалсафа, жамиятдаги турли ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Аёл ҳуқуқлари кўп қиррали бўлиб, турли замонларда турлича намоён бўлган. Лекин унинг сиёсий манфаатлар билан боғлиқ хусусияти ҳамиша сақланиб, турли шаклда ўрганилган.

Бугун мамлакатимизда аёлга, оилага ҳурмат давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, қонунчилик нормаларининг асосий қоидалари сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу нормаларда аёлнинг жамиятда ва оилада тутган ўрни, ҳуқуқ ва мажбуриятлари шарқона турмуш тарзи, оиланинг маънавий, ахлоқий, иқтисодий ва ҳуқуқий нормаларини инобатга олган ҳолда белгилаб берилган. Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларни эъзозлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этишдек инсоний бурчларни адо этиш борасида бир қатор амалий дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Замоннинг аёлга муносабати мавзусини Ўзбекистон тажрибасида таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда бу йўналишда аниқ, режалаштирилган давлат сиёсати юритилаётгани натижасида салмоқли ўзгаришлар юз бераётганининг шоҳиди бўлмоқдамиз. Масалан, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, кўплаб норматив ҳужжатлар орқали мамлакатимизда аёллар масаласи билан боғлиқ ижобий ислоҳотлар янги босқичда такомиллаштирилиб борилмоқда.




Ҳозирги кунда аёллар соғлиқни сақлаш, таълим тизимида, давлат бошқарувининг турли йўналишларида, тадбиркорлик фаолиятида фаоллик кўрсатмоқда. Айни дамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг 42,1 фоизини аёллар ташкил этиб, сайловлар натижаларига кўра, 48 нафар аёл депутат этиб сайланди (32 фоиз). Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 20 фоиздан кўпроғи, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 31 фоизи аёллар экани фикримиз исботидир. Сўнгги йилларда аёлларнинг таълими, мутахассислик ва илмий салоҳиятини ўстириш учун барча лозим чоралар кафолатлангани Ўзбекистонда аёллар фаоллигини оширишдаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бутун жамият аёллар фаоллигидан манфаат олмоғи лозим. Ана шу фаоллик ва идроклилик барча соҳаларда акс этиши, яъни аёлларимиз онгли тарзда мамлакатдаги ислоҳотларга дахлдорлик муносабатида бўлишига эришиш долзарб масалага айланиб бормоқда. Чунки аёл фарзанд тарбиялаш, демократик ва толерант тафаккур, тараққиёт ва ривожланишга камарбасталик каби жамият учун ўта муҳим масалаларни ижобий ҳал этиб бера олиш қудратига эга. Президентимиз 2017 йилда Халқаро хотин-қизлар байрамидаги нутқида таъкидлаганидек, **"Оилада, меҳнат жамоаларида, умуман, жамиятимизда энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноат ва матонати, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга"**.

Истиқболдаги олий вазифаларни уддалай оладиган авлодни тарбиялаш бугунги аёлларнинг Ватан олдидаги масъулиятли ва муқаддас вазифасидир. Шу боис, аёлларга кенг ҳуқуқлар, имкониятлар берилиши демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадимизга ҳамоҳангдир.



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

## қачон кимё саноати ишлаб чиқариши ва экспортининг асосий қисмини ташкил этади?

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

**Сизга кимё маҳсулотлари миқдори, уларнинг қандай қийматда сотилаётгани ҳақидаги маълумотлар зарур бўлиб қолдими? Энди бу хусусда мутасаддиларга мурожаат қилиб, жавобини кутишга ҳожат қолмаган. Ҳаммаси очиқ-ошкора. Бунинг учун “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасидаги савдо майдончаси расмий веб-сайтига кирсангиз бўлди. Унда ва бошқа мобиль саҳифаларда ҳар куни қанча миқдорда ва қандай нархда маҳсулотлар сотилаётгани ҳақидаги маълумотлар батафсил тақдим этиб борилади. Мисол учун, жорий йил 1 декабрда тизимдаги корхоналар томонидан очиқ биржа савдолари орқали 6579,3 миллион сўмлик 1 минг 986 тонна минерал ўғит сотилди. Бир кун олдин бу кўрсаткич юқори бўлган, яъни 30 ноябрь куни 11 168,9 миллион сўмлик 3907 тонна минерал ўғит харид қилинган.**

— Биржа савдоларига тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, карбамид, сульфат аммоний, аммофос, PS-Агро, калийли ўғитлар, суперфосфат, азот-фосфорли ўғит каби маҳсулотлар қўйилди, —деди “Ўзкимёсаноат” АЖ матбуот хизмати раҳбари Рустамбек Эшбеков. — Улар орасида аммиакли селитра энг кўп сотилган маҳсулот бўлиб, умумий сотувнинг 45,3 фоизини ташкил этди. Бундан ташқари, айни кунда саноатда кенг қўлланилаётган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорид, кальцийланган сода азот кислотаси ва суюқ кислород каби кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар ҳам доимий равишда биржа савдоларига қўйиб келинади.

1 декабрь куни жами 8 624,4 миллион сўмлик бошқа турдаги кимёвий маҳсулотлар сотилди. Бир кун олдин бу кўрсаткич 6 863,1 миллион сўмга тенг бўлган. Унинг асосий қисмини, яъни 55,6 фоизини кальцийланган сода ташкил этган. Республика товар-хомашё биржасидаги жамиятимиз савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича барча маълумотлар билан www.uzkimyosanoat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар, шунингдек, биржа веб-сайти орқали танишиб бориш мумкин.

“Ўзкимёсаноат” АЖ таркибида “Ҳамкор-кимёсервис” МЧЖ номи остида савдо майдончаси фаолият юритмоқда. Унинг ёрдамида кимё тармоғидаги барча корхоналар ўз маҳсулотларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорга энг юқори даражадаги самара ва энг кам харажатлар асосида савдо қилиш имконига эга бўлмоқда.

### Ишонч ёрлиғининг амалий кафолати қандай таъминланяпти?

Бундан тўрт йил олдин кимё саноатида минерал ўғит сотишнинг бозор механизмлари жорий этилиб, уларни Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси орқали истеъмолчиларга сотилиши йўлга қўйилгани кўплаб муаммоларни ҳал этишга йўл очди. Энг асосийси, дебитор қарздорликка барҳам берилди. Маҳсулотларни мамлакатимизнинг ҳар қандай бурчагига темир йўл орқали етказиб беришнинг ягона тарифи амалга киритилди. Корхоналар қарздорлигини реструктуризация қилиш юзасидан кўрилган чоралар уларни молиявий соғломлаштиришга ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишга имкон берди.

Шунга қарамай, кимё тармоғини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб қолинаётган эди. Хусусан, инвестициявий жозибадорлик пастлиги ва тармоқни ривожлантириш учун ўз маблағлари етарли эмаслиги хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий қилишга йўл бермасди. Бунинг оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда минерал ўғитлар улуши юқорилиги сақланиб қолаётган, маҳсулот таннархи ҳам талабга жавоб бермасди.

— Президентимизнинг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси таъминланиши бу каби муаммо ва тўсиқларни барҳам топтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Унда, энг аввало, углеводород хомашёсини ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида иқтисодиёт тармоқларида ва жаҳон бозорида талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли кимё маҳсулотлари турларини кенгайтиришга, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва фаолият юритаётганларини модернизация қилишга эътибор қаратилди.

Ўтган йили 13 февраль куни давлатимиз раҳбари имзолаган “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда эса тармоқни трансформация қилишнинг узоқ муддатли асосий муҳим йўналишларига эътибор қаратилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2021 йилдан янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда, асосан, хусусий, жумладан, хорижий инвесторлар ва технологик шерикларни жалб қилишни назарда тутувчи Кимё ва газ-кимё саноатида технологик кластерларни яратиш бўйича очиқ ҳамкорлик дастури жорий этилди. Умумий қиймати 1 176 миллион долларга тенг, шундан 700 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган, 2021–2025 йилларда кимё корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, мавжуд хомашё базасидан самарали фойдаланиш орқали юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган 16 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, 2021 йилда “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан умумий қиймати 58,6 миллион долларлик 8 янги ишлаб чиқариш қуввати барпо этилиб, 11 та янги турдаги маҳсулотни ўзлаштириш эвазига йилига қўшимча 450 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида “Навоийазот” АЖда иш бошлаган азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид корхоналари соҳа ривожига қўшимча суръат беряпти. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар жамиятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириб, унинг қийматини йиллик 150 миллион доллардан 425 миллион долларгача олиб чиқмоқда. Тайёрланаётган маҳсулот сифати ҳар қандай халқаро талабга тўла мос келади. Бу хусусият эса уларнинг жаҳон бозорида харидоргир ва рақобатбардошлигига ишонч ёрлиғи бўлиб хизмат қилади.

Тармоқ фаолияти таҳлили корхоналар самарадорлигини ошириш ва трансформация қилиш бўйича тизимли ишлаш кераклигини кун тартибига қўймоқда. Хусусан, энергияни тежаш ва маҳаллийлаштириш орқали таннархни 6 фоизгача камайтириш мумкин.



Маҳсулот таннархини пасайтиришга ўта жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки унда хомашё, энергия сарфи, иш ҳақи, ижтимоий суғурта, амортизация ажратмалари каби сарф-харажатлардан тортиб, маҳсулотни ўраш, жойлаш, етказиб бериш, сотиш билан боғлиқ бошқа чиқимлар ўз ифодасини топади. Таннарх қанча паст, сифат юқори бўлса, маҳсулот шунча харидоргир бўлади.

Кимё саноатида бундан беш-олти йил олдин маҳсулот чиқариш нархида харажатлар улуши 99,7-100 фоизга тўғри келган. Уларнинг 64 фоизи энергетика ресурсларига сарфланган. Ваҳоланки, ўша кезда хорижий корхоналарда бу кўрсаткич 25-30 фоиз атрофида бўлган. Агар Ўзбекистонда бир тонна аммиак ишлаб чиқаришга 1 минг 450 куб метр табиий газ ёқилса, замонавий ускуналардан фойдаланиладиган чет эл компанияларида мазкур миқдор 902 куб метрдан ошмаган. Азот ишлаб чиқариш таннархида энергия ресурслари улуши 70 фоиздан ҳам ошиб кетган ва унинг сарфи замонавий компаниялардагига нисбатан 1,6 марта ортиқ бўлган.

Ҳисоб-китоблар тежамкор қувватлар ишга туширилиши энергия сарфини 2-2,5 баравар, аммиакнинг таннархини эса 1,8 баравар пасайтириш мумкинлигини кўрсатди. Умуман, кимё саноатида энергия истеъмоли бир фоиз камайиши маҳсулот таннархини 0,6-0,8 фоиз пасайтириш имконини беради.

Ўтган йили “Навоийазот” АЖда янги ишга туширилган азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид корхоналари соҳа ривожига қанот бахш этиши баробарида энергия тежамкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, йилига 500 минг тонна азот кислотаси тайёрланадиган заводда электр энергияси сарфи 18 баробар қисқарган. 660 минг тонна аммиак ва 578 минг тонна карбамид ишлаб чиқариладиган иккинчи корхонада бир тонна аммиак учун энергия сарфи 2,5 баробар камайди. Фақатгина ана шу иккита лойиҳа эвазига ишлаб чиқарилаётган азотли ўғит таннархи 30 фоиз пасаймоқда. Йилига умумий қиймати 400 миллиард сўмлик ўртача 736 миллион кВт/соат электр энергияси тежалади.



Давлатимиз раҳбари ўтган йил 27 август куни “Навоийазот” АЖда поливинилхлорид корхонасининг иккинчи босқичи қурилишига тамал тоши қўйган эди. Қиймати 400 миллион долларлик ушбу лойиҳа поливинилхлорид ишлаб чиқариш қувватини йилига 220 минг тоннага, каустик содани эса 165 минг тоннага етказиш имконини беради. Шу тариқа электротехника, мебелсозлик, қурилиш материаллари саноати, маиший кимё ва бошқа соҳаларда йилига талаб юқори бўлган 210 миллион долларлик маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилади. Уни 2023 йилда ишга тушириш мўлжалланган.

Яна бир муҳим жиҳати, соҳага инвесторларнинг ишончи ортиб, сармоя киритишни бошлади. Бугунги кунда хусусий сектор томонидан кимё тармоғида 2 миллиард долларлик 15 лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларнинг 5 таси ишга тушди.



Ҳозир тармоқда умумий қиймати 7,7 миллиард долларга тенг бўлган 49 лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Келгусида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятларида юқори қийматли товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган 4 та технологик кимё ва газ-кимё кластери фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Улардан биринчиси — “Навоийазот” АЖда умумий қиймати 5,3 миллиард доллар бўлган 30 лойиҳа амалга оширилади. Кластер доирасида 36 турдаги юқори қийматли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Хусусан, кимё, чарм, мебелсозлик ва қурилиш материаллари саноати учун гидроксипропил-метил целлюлоза, полипропилен, винилацетат, акрилонитрил тола, метил хлорид, калий гидроксид, полиоксиметилен ва кальций нитрат каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

“Фарғонаазот” АЖ негизида ишга тушириладиган иккинчи кластерда лак-бўёқлар, мебель учун меламин, тўқимачилик саноати учун сунъий толалар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Учинчи кластер Қорақалпоғистон Республикаси Устюрт ҳудудида жойлаштирилади. Унда кальцийланган сода, поливинилхлорид, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 ноябрдаги “Кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига биноан, ушбу технологик кластерларнинг бошқариш дирекцияларини “Ўзкимёсаноат” АЖ таъсисчилигида масъулияти чекланган жамиятлар шаклида ташкил этилиши, махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари ҳамда уларнинг дирекциялари учун назарда тутилган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар уларга ҳам тўла татбиқ этилиши белгиланди.

2022 йил 3 февраль куни Президентимизнинг “Тошкент вилоятида Чирчиқ кимё-индустриал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, лойиҳадаги барча мажмуаларни бунёд этиш учун 30 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланади. Технопарк ҳудудида махсус индустриал зоналар учун белгиланган алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиботлари амал қилади. Унинг умумий майдони 31,22 гектар бўлиб, биринчи босқичда 14 та корхона ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши кутилмоқда. Бу ерда йилига ҳар хил турдаги 100 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Технопарк тўлиқ ишга тушгач, 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Йилига 15 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Кимё соҳасини ривожлантириш ва жаҳон бозорларида рақобатбардошликни таъминлаш, тармоқни тубдан диверсификациялаш кўп жиҳатдан илмий тадқиқот, лойиҳалаш, инжиниринг, диагностика марказлари ва асосийси, малакали кадрлар салоҳияти билан бевосита боғлиқ. Шу жиҳатлар назарда тутилган ҳолда, Тошкентдаги Улуғбек шаҳарчасида кимё соҳасида илмий ва таълим кластери ташкил этилади. У 4 та олий таълим муассасаси ва кимё бўйича замонавий илмий тадқиқот марказини қамраб олади.

Етакчи корхоналардан бири ҳисобланган Қўнғирот сода заводида 2022-2025 йилларда кальцийланган сода ишлаб чиқаришни йилига 450 минг тоннага етказиш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган. Ўтказилган тендер якунига кўра, Россиянинг “Салюс” компанияси ғолиб топилган эди. Пудратчи қурилиш майдонининг гидрогеология ишларини якунига етказди.

Лойиҳанинг ишга туширилиши билан корхонада ишлаб чиқариш кўлами кенгайиши, соф фойда ошиши, 250 та янги иш ўрни яратилиши назарда тутилган. Корхонага туташ жойда ишчилар учун янги турар жой бинолари, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари, автомобиль йўллари қурилиб, ишчи-ходимлар уй-жой билан таъминланади.

Қўнғирот туманида қиймати 3 миллион доллар бўлган кимё логистика марказини ташкил этиш лойиҳаси ҳам ҳаётга татбиқ этиляпти. Умумий майдони 7,1 гектарни эгаллайдиган марказда 9 та омбор қуриляпти. Уларда 60 тонна хлорли калий, 50 минг тонна карбамид, 25 минг тонна селитра сақлаш имконияти мавжуд бўлиб, Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига экспортни амалга ошириш учун платформа майдончаси вазифасини ўтайди.

ШҲТнинг шу йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммити доирасида “Ўзкимёсаноат” АЖ ва Хитойнинг “China Camc Engineering” компанияси ўртасида мамлакатимиз ҳудудида кимё саноати соҳасида қатор истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди. Эришилган келишувларга кўра, томонлар сирка кислотаси ва унинг ҳосилалари, винил-ацетат, монохлоратсетик кислота ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш назарда тутилган 120 миллион долларлик лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилади.

Авваллари “Ўзкимёсаноат” АЖ фақат минерал ўғит ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Ҳозирги кунда тайёрланаётган бошқа турдаги (органик, ноорганик, кимё реагентлари ва бошқа) кимё маҳсулотларининг тури 110 тадан ошди.

### Йиллик экспорт режаси қандай қилиб 10 ойда бажарилди?

Давр шиддати, жаҳон бозорларида талаб ва таклифнинг тез суръатларда ўзгариши ҳар бир тармоқнинг экспорт фаолиятига ўз таъсирини кўрсатиб келяпти. Ана шундай кезда бу борадаги салоҳиятни ошириш учун дунё бозорларида рўй бераётган жараёнлар бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, кимё саноати маҳсулотига жаҳон конъюнктураси тенденцияларини ўрганиш ва шу асосда маҳсулот сотиладиган истиқболли хорижий бозорларни аниқлаш ва экспортга маҳсулот етказиб бериш географиясини кенгайтириш зарур бўлади.

Президентимизнинг 2017 йил 28 августдаги “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида ташкил этилган экспорт-импорт операциялари бўйича ягона агент — “Ўзкимёимпекс” МЧЖ зиммасига айнан шу каби масалаларни биринчи навбатда ҳал этиш вазифаси юкланди.

— Мазкур қарор қабул қилинганига ҳам беш йилдан ошди, — дейди “Ўзкимёимпекс” МЧЖ директори Темур Муҳамеджонов. — Агар 2016 йилда “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари томонидан 197 миллион долларлик маҳсулотлар хорижга етказиб берилган бўлса, 2021 йилда бу ҳажм 382 миллион долларни ташкил этди. Албатта, йиллик экспортнинг икки баравар ошишида кейинги йилларда Ўзбекистоннинг турли қитъа мамлакатлари билан стратегик ҳамкорлиги кенгайиши, давлатлараро муносабатлардаги ташаббуслари, ўзаро манфаатли савдо-сотиқ учун кенг имкониятлар яратилишининг ҳам аҳамияти катта. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, агентлигимиз жаҳоннинг нуфузли анжуман ва кўргазмаларида доимий иштирок этиши, ҳар бир шерик ва минтақага индивидуал ёндашиши, хорижий бозорларни чуқур таҳлил қилиши тармоқ экспорт салоҳияти самарадорлигини оширишга хизмат қиляпти. Экспорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхати 24 тадан 37 тага, географияси эса тўрт қитъага, яъни Европа, Осиё, Африка ва Жанубий Америкага кенгайди.

Жорий йилнинг 10 ойи давомида “Ўзкимёимпекс” МЧЖ томонидан “Ўзкимёсаноат” АЖ бўйича белгиланган йиллик экспорт кўрсаткичи муддатидан олдин бажарилди. Хусусан, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида амалда умумий қиймати 407,3 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 155 фоиз ўсишга эришилди. Хусусан, суперфосфат — 35, суюлтирилган аммиак — 16, автомобиль шинаси — 11, суюқ аргон ва аммоний хлориди экспорти 6 баробар ошди.

Маҳсулотларни юқори рентабелли нархларда сотишга эришилмоқда. Масалан, 2021 йилнинг январь-октябрь ойларида 198,5 миллион долларлик 871,5 минг тонна минерал ўғит экспортга чиқарилган бўлса, жорий йилда 753 минг тонна минерал ўғит 329,4 миллион долларга ташқи бозорга сотилди, яъни ҳар бир тонна минерал ўғитдан 209 доллар ошиқча фойда кўрилди.

Айни кунда ички захира ва имкониятларни қайта кўриб чиқиб, йил якунига қадар қўшимча 25 миллион долларлик кимё маҳсулотлари экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Шунда умумий экспорт кўрсаткичи 450 миллион долларга етади ва белгиланган режа 112,3 фоиз бажарилади.

Кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган стратегияда белгиланган диверсификация режалари амалга оширилиши натижасида 2030 йилда умумий ҳажмда минерал ўғитлардан бошқа турдаги кимё маҳсулотлари улуши 55 фоизга етади. Агар ҳар бир йўналишдаги лойиҳаларда маҳсулотлар сифати ва таннархи замонавий технологиялар орқали таъминланса, турган гапки, экспорт ҳажми ҳам 5-6 баробар ошади, унда асосий ўринни юқори қўшилган қиймат маҳсулотлари эгаллайди.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

**Гулсум ШОДИЕВА,**
**журналист**



**Чет элда фаолият юритаётган малакали мутахассис ватандошларимизнинг юртимизга қайтиб келиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз илм-фани ривожига, қолаверса, ҳар бир соҳада янгиликлар жорий этишга хизмат қилмоқда. Жумладан, сўнгги йиллардаги эзгу ҳаракатлар самарасида хорижда ўқиб, ишлаб тажриба орттирган кўплаб илм-фан вакиллари Ватанга қайтди. Улар орасида Бельгиянинг Антверпен университетида илмий изланиш олиб борган ватандошимиз Умиджон Халилов ҳам бор.**

# СУПЕРКОМПЬЮТЕРЛАР КЛАСТЕРИ

## 12 ЙИЛ ХОРИЖИЙ УНИВЕРСИТЕТДА ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРГАН ВАТАНДОШИМИЗ ОРЗУСИДАГИ ЛОЙИҲА РЎЁБИ

Айни пайтда Фанлар академиясининг Ион плазма ва лазер технологиялари институти бош илмий ходими, физика-математика фанлари доктори Умиджон Халилов фаолиятини юртимизда давом эттириб, илм-фан юксалишига ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозир унинг иштирокида 2021–2025 йилларга мўлжалланган фундаментал лойиҳа амалга оширилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2021 йилда молиялаштирилган ушбу лойиҳа доирасида Ион плазма ва лазер технологиялари институтида янги йўналиш — физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларни ахборот технологиялари ёрдамида моделлаштириш орқали тадқиқ қилиш учун компьютерда моделлаштириш мактаби ташкил этилди. Бу мактабда суперкомпьютерлар кластери яратилди. Албатта, бу жуда катта миқёсдаги янгилик бўлмаса-да, ўзига хос тизимни бошлаб берадиган жараён.



— 2009 йилгача Ион плазма ва лазер технологиялари институтида ишлаб, илмий тадқиқотимни давом эттириш учун Бельгияга кетгандим. У ерда Антверпен университетида 12 йилга яқин вақт мобайнида илмий фаолият билан машғул бўлдим, — дейди Умиджон Халилов. — Институт билан алоқани узмай, устозлардан маслаҳат олиб турдим. 2013 йили фалсафа докторлиги (PhD) диссертациясини ёқладим. У ерда ўтган даврда катта тажриба орттирдим. 2020 йил ноябрда Ўзбекистонга қайтиб келдим. Тўғриси, 12 йилда мамлакатимизда илмий соҳада ҳам жуда кўп янгиликлар бўлганини кўрдим. Биринчи навбатда, илм-фанга ажратилаётган маблағ миқдори сезиларли даражада кўпайган.

Бельгияга кетишимдан аввал Фанлар академиясига қарашли аспирантлар ётоқхонасида 8 йил оилам билан яшаб, кўп қийинчиликни бошдан кечирганман. Ишонасизми, у вақтларда турар жой атрофида илмий ходимларга тегишли деярли бирорта машина бўлмас, ҳатто шундай бўлиши хаёлимизга ҳам келмасди. Бугун эса илм қилиш учун имконият катта, маош ҳам нисбатан анча юқори. Иккинчидан, чет элга чиқиш имконияти ошган. Бельгияда бўлиб турганимда юртимиздан кўплаб олимларнинг 2-3 ойлик стажировкага борганини кўрдим.

Қолаверса, Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий ғояларни амалга ошириш бўйича хориждаги илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилишни тавсия этяпти. Бундан фойдаланиш керак. Олимнинг ғояси яхши бўлса, харидори излаб келади. Агар жамият ҳаётини енгиллатишга йўналтирилган ғоялар берсангиз, у, албатта, сармоя олиб келиши керак. Бу эса, ўз навбатида, жамият тараққиёти учун хизмат қилади. Тадқиқ қилаётган соҳам нанотехнологияга оид бўлиб, наноматериаллар синтези, яъни наноматериаллар олишдан иборат. Бунинг Ўзбекистонга фойдаси ҳақида гапиришдан аввал жаҳондаги аҳамияти тўғрисида тўхталиш лозим.

Кремний технологияси шу вақтгача замонавий технология тараққиётида муҳим ўрин тутиб келган. Чунки ҳаёт тарзимизга сингиб кетган компьютер, телевизор, мобиль телефон ва шунга ўхшаш қурилмаларнинг асоси бўлган транзисторлар ишлаб чиқарилиши бевосита шу технологияга боғлиқ. Транзисторларни кичрайтириш орқали қурилмада уларнинг сонини оширамиз. Бу эса қурилманинг янада кучайишига сабаб бўлади. Лекин миниатюризация шу даражада критик нуқтага етдики, кремний технологияси транзисторларни ундан зиёд кичрайтириши имконсиз. Яъни транзисторларни бундан зиёд кичрайтириш улар асосидаги қурилмалар фаоллиги учун самарасиз бўлиб қолди ва углеродга асосланган наноқурилмаларга муқобил вариант сифатида қараш бошланди. Мен айнан мана шу углерод нанотехнологияси бўйича тадқиқотлар қиляпман, яъни углерод наноматериаллари миниатюризацияси билан шуғулланаман. Уларнинг синтезини бошқариш орқали наноқурилмалар қувватини оширишни кўзлаяпмиз.

Аслида, бутун дунёда кечаётган технологик жараён ва қилаётган ишим бу занжирнинг бир ҳалқаси, десак ҳам бўлади. Шунингдек, ушбу технологик жараёндаги экспериментларга ёрдамчи, уларга ғоя берувчи компьютерда (жараёнларни) моделлаштириш билан шуғулланаман. Ушбу соҳа нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда янги йўналишлардан бўлиб, нанотехнология билан бирга иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари (жумладан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, нефть-газ, тиббиёт кабилар)да эҳтимолий молиявий йўқотишларни прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишда жуда муҳим ўрин тутади. Хусусан, унда қишлоқ хўжалиги, қурилиш саноати ёхуд иқтисодий жараёнлар моделлаштириш усулига тегишли қонуниятлар асосида таҳлил қилинади, эҳтимолий хавф ва ўзгаришлар кўриб чиқилади. Аҳамиятлиси, моделлаштиришга мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали, осон, камхарж усули сифатида қаралаяпти. Шунинг учун дўстимиз, физика-математика фанлари доктори Мақсудбек Юсупов билан Бельгияда фаолият юритганимизда Ўзбекистонда Марказий Осиё моделлаштириш илмий марказини яратиш ғояси ҳақида кўп ўйлардик. Аниқроғи, 2017 йилдан буён ушбу ғоя устида гуруҳ бўлиб ишлаб келяпмиз.



Моделлаштириш оддий компьютерда бажариладиган иш эмас. Бунинг учун суперкомпьютерлар мажмуаси керак. Қолаверса, бу бир-икки киши эмас, балки илмий гуруҳ томонидан бажарилади. Германиянинг Юлих шаҳрида худди шундай — бутун бошли кўп қаватли уйдан иборат компьютерлар мажмуасини кўргандим. Бу жуда қиммат деб ўйлашингиз мумкин, аслида, унинг баҳоси иқтисодиётга келтирадиган фойдаси олдида жуда арзимас. Шу мақсадда компьютер моделлаштириш илмий марказини очиш бўйича ғоямизни турли оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириб боришга ҳаракат қилдик. 2021 йил ноябрь ойида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан шу ғоямизнинг илк қадамлари сифатида 5 йиллик катта лойиҳамиз молиялаштирилди. Лойиҳа доирасида имкон қадар иқтидорли ёшларни ишга олишга ҳаракат қилдик. Жумладан, материалшуносликда моделлаштириш бўйича иқтидорли бакалавр ва магистрлар ҳамкорлигини ташкил қилганмиз. Улар магистрлик ҳимоясидан сўнг фалсафа докторлиги даражасини олиш бўйича илмий изланишларини давом эттириши мумкин.

Келгусида Европа давлатлари билан ҳамкорликда қўшма PhD тайёрлаш режалаштириляпти. Хусусан, бу масала бўйича Ион плазма ва лазер технологиялари институти ҳамда Бельгия қироллигининг Антверпен университети ҳамкорлигида иш олиб бориляпти. Бундан ташқари, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Испания, Австралия, Хитой, Эрон, Қатар, Миср, Туркия ва бошқа кўплаб давлатларнинг етакчи университетлари билан ҳам ҳамкорликда лойиҳалар қилиш бўйича келишиб олинди. Шубҳасиз, бу каби муносабатлар профессионал кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйишга хизмат қилиб, ёш олимлар илмий фаолиятини янги босқичга олиб чиқади.

Ион плазма ва лазер технологиялари институтида физикавий электроника, фотоника, иссиқлик физикаси, лазер физикаси, янги материаллар синтези ва нанотехнологиялар йўналишларида илмий тадқиқотлар қилинади. Малакали кадрлар, илмий ходимлар ва ёш тадқиқотчилар фаолият юритиши учун шарт-шароит яратилган, замонавий технологиялар жорий этилган. Жумладан, нанотаркибий материалларда оптик ва электрон жараёнлар, ион-плазма технологиялари, амалий нанотехнологиялар, лазерли нурланишнинг жисм билан ўзаро таъсири, физикавий жараёнларни моделлаштириш, кўп босқичли тизимларнинг иссиқлик физикаси, оптика ва спектроскопия, конденцияланган муҳит оптикаси, адсорбцион ва эмиссион ҳодисалар лабораториялари мавжуд. Энди физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларни компьютерда моделлаштириш орқали тадқиқ қилиш мақсадида компьютерда моделлаштириш мактаби ташкил этилди. Моделлаштириш мактабида суперкомпьютерлар кластери — FISTUz (Fast Intelligent Simulation Tool of Uzbekistan) яратилди.

— FISTUz кластери NanoSim деб номланувчи гуруҳимиз томонидан ташкил этилган бўлиб, гуруҳ, асосан, физика соҳасида ўқиган, мамлакат ва жаҳон олимпиадаларида қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаган иқтидорли ёшлардан иборат, — дейди Ион плазма ва лазер технологиялари институти кичик илмий ходими, суперкомпьютерлар бўйича мутахассис Исломжон Жўраев. — Аслида, бу соҳани эгаллаш учун шижоат, тинимсиз ишлаш керак. Чунки деярли ҳамма ишни нолдан бошлайди. Фақат берилган топшириқларни имкон қадар яхшироқ бажара олиш зарур. Ҳозир гуруҳимиздаги 15 нафар ёш бир пайтнинг ўзида магистратурада ўқиб, лойиҳада иштирок этяпти. Соҳани пухта ўрганишимизда устозимиз Умиджон Халиловнинг хорижда орттирган тажрибаси, илмий салоҳияти катта ёрдам беряпти. Лойиҳада 5 та йўналиш кўзда тутилган. Уларни ўрганиш ёшлар учун жуда қизиқарли, янги олам, аввал бажариб кўрмаган. Шу билан бирга, компьютер билан жараёнларни моделлаштириш анча қийин ва мураккаблигини сезишяпти.

Бу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад углерод нанотехнологиясидаги долзарб муаммоларни моделлаштириш орқали ҳал қилиш ва ёшларнинг салоҳиятини янги мутахассислик бўйича шакллантиришга қаратилган. Ҳозир Ўзбекистон Миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети, Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Наманган давлат муҳандислик университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент давлат техника университети каби кўплаб олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ёшларга имкон қадар тезроқ соҳани ўргатиб, чет элларга стажировкага юбориш учун эътибор қаратиляпти. Масалан, бу йил магистрлик диссертациясини ёқлаб, таянч докторантурага ўқишга кирмоқчи бўлган 2 нафар ёш Бельгиянинг Антверпен университетига 3 ойлик стажировкага юборилиш арафасида.

Айтиш мумкинки, компьютерда моделлаштириш мактабида ушбу илмни эгаллашга қизиққан ёшлар бепул ўқитилади. Лойиҳа доирасида ўқитиш билан бирга, иш билан ҳам таъминланади. Бу эса ёшларнинг мураккаб иқтисодий шароитда қийналиб қолмаслиги ва диққатини бошқа томонга йўналтирмаслигида самара беради. Улар билан шуғулланиш жараёнини ташкил этиш учун махсус хона ва 50 га яқин юқори параметрли суперкомпьютер мавжуд. АҚШ, Хитой, Япония ва Европанинг илғор давлатлари айнан юқори параметрли яхлит компьютерларда ишлайди. Биз ҳам ривожлана бориб, шундай компьютерлар йиғишни режалаштирганмиз. Ҳозирги суперкомпьютерларимиз кластери ҳам юқори параметрга эга бўлиб, уларнинг тегишли қисмлари Бирлашган Араб Амирликлари ва Хитойдан олиб келинган.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — ЮРТ БОЙЛИГИ



# ТРЕНДГА АЙЛАНАЁТГАН КАСБЛАР

**Мамлакатимизда IT хизматлар экспорти ҳажми йилдан-йилга ўсиб боряпти. Масалан, ўтган йили бу кўрсаткич 46 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу йил 100 миллион долларга, 2025 йилга бориб эса 500 миллион долларга етиши режалаштирилган. Бунинг учун масофавий хизматлар кўрсатиш, яъни Business process outsourcing — BPO марказлар сонини кўпайтириш кўзда тутилган.**

Юртимизда келгуси 2 йилда 100 дан ортиқ масофавий хизматлар марказини очиш орқали юқори маошли 5 мингдан зиёд иш ўрни яратиш белгиланган. Ушбу марказ мамлакатимизда илк бор Жиззах вилоятида синов тариқасида ташкил этилди.

Марказда хорижий тилларни яхши биладиган 20 нафар ёш ўқишга танлаб олинди. Курс якунида имтиҳон ўтказилиб, 14 нафар ўғил-қиз ишга қабул қилинди. Беҳзод Дўстмаматов ана шу танлов ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ёшлардан. Бугун у логистика диспетчери лавозимида ишламоқда. Унинг IT соҳага қизиқиши ва хорижий тилларни яхши билиши марказда иш бошлашига замин яратди. Топаётган даромади сир қолишини хоҳлаган қаҳрамонимиз қуйидагиларни гапириб берди:

“Дунёда логистика жадал ривожланмоқда. Бу соҳа ҳеч қачон касодга учрамайди. Электрон тижорат бугунги кунда логистика соҳасида инқилоб қилмоқда. Оддий мисол, ҳозир ўзимизда ҳам онлайн савдо, масофадан туриб маҳсулот сотиш ёки сотиб олиш ривожланмоқда. Буюртма қилинган юкни манзилгача етказиб беришда логистика муҳим роль ўйнайди.

Жиззах шаҳридаги логистика марказида туриб, АҚШ ва бошқа давлатларга логистика хизматларини экспорт қиляпмиз. Бир кунда турли мамлакатлардаги 400 нафарга яқин ҳайдовчига хизмат кўрсатамиз. Уларга керак бўладиган юкларни топиб берамиз ва логистика билан боғлиқ бошқа хизматларни бажарамиз. Бу соҳада ишлайдиганлар қанча кўп хорижий тилни билса, шунча яхши. Чунки турли хорижий давлатлардаги ҳайдовчилар билан мулоқот қилишга тўғри келади. Соҳани яхши ўзлаштирган киши келажакда ўзи бемалол мустақил логистика маркази очиб, фаолият кўрсатиши мумкин”.

IT паркнинг Жиззах филиали ҳудудида, шунингдек, Жиззах шаҳри ва барча туманларда IT марказлар ташкил қилинган. Уларда исталган киши IT соҳани ўрганиш имкониятига эга. Жумладан, компьютер саводхонлиги, веб-дастурлаш, веб-дизайн, график дизайн, мобиль иловалар яратиш, робототехника, киберспорт турлари, IT инглиз, IT математика, SMM, CISCO тармоқ хавфсизлиги ва бошқалар бўйича ўқув курслари фаолият кўрсатади. Ўқув курсларини икки йил давомида қарийб 16 минг киши битирди. Уларнинг кўпчилиги бугун турли соҳаларда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

— Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири дастурий маҳсулот ва рақамли хизматлар тақдим этиш учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни ички ҳамда ташқи бозорга олиб чиқиш, инновацион ишланмаларни рағбатлантиришдир, — дейди Жиззах IT парки менежери Шоҳрух Наримонов. — IT парклар, асосан, ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириши, интеллектуал билимларини намоён қилиши, таҳлилий фикрлаши, иқтидори ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитларга эга замонавий маскан ҳисобланади. Юқоридаги мақсадларни муваффақиятли амалга оширгани учун IT паркнинг Жиззах ҳудудий филиали 2021 йил сарҳисоби бўйича республикада энг яхши филиал деб топилди.



IT парк резидентлари учун бир қанча афзалликлар мавжуд. Жумладан, даромад солиғи 7,5 фоиз, корпоратив ва ижтимоий солиқлардан тўлиқ озод этилган, шунингдек, ўз эҳтиёжи учун товар ва хизматларни олиб киришда божхона тўловларини тўламайди. Айни пайтда Жиззах IT паркида ушбу имтиёзлардан унумли фойдаланиб, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган 14 та резидент бор. Уларнинг фаолияти, ўз навбатида, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантиришга, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмини оширишга ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билимли ёшларнинг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Ҳозир улар томонидан веб-сайтлар яратиш, соғлиқни сақлаш тизимларини автоматлаштириш, доменни рўйхатдан ўтказиш, юк етказиб бериш учун дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, технологик тизимлар фаолияти каби йўналишларда ишлар бажарилмоқда.

Жиззах IT паркида жойлашган резидентлар эришаётган муваффақиятлар ҳам салмоқли. Масалан, Firebox компанияси MyCenter — ўқув марказларига CRM тизимини ишлаб чиқиш лойиҳаси учун 100 миллион сўм, Include компанияси S-Zone — мактабларда ўқувчиларнинг юзини камера орқали таниган ҳолда йўқламадан ўтказиб, давоматни автоматлаштириш тизими учун 200 миллион сўм, Sarvinoz Software компаниясининг e-partiya — сиёсий партиялар ва кадрлар бўлими учун маълумотларни сақлаш тизими 40 миллион сўм давлат грантига сазовор бўлди. IT Progress Software компанияси таъсисчиси Аҳрор Абдуғаниев эса МДҲ мамлакатларида 2021-2022 ўқув йилининг энг яхши талабаси, деб эътироф этилди.

Жиззах IT паркида ўзгача муҳит ҳукмрон. Бу ерда ўсмир ёшлар билан бирга катта ёшдагиларни, мактаб ўқувчиларини ҳам учратиш мумкин. Кимдир паркда аллақачон соҳани ўзлаштириб, ўз тижоратини йўлга қўйиб даромад топаётган бўлса, кимдир энди ўқиб-ўрганишга қадам қўймоқда.

— Сайт яратишга қизиқишим бор эди. Ушбу соҳада муваффақиятга эришган тенгдошларимга ҳавас қилардим. Қарийб уч ой бўлди, Жиззах IT паркида веб-дастурлаш курсида ўқияпман. Ҳозир ўзим мустақил сайт ярата оламан. Бундан ташқари, веб-дизайн, график дизайн йўналишларида ўқиб, ўзлаштирмоқчиман. Ушбу соҳа мутахассисларига талаб жуда катта. Шу ерда ишлаб юқори даромад топаётганларни кўриб, дунёқарашим бутунлай ўзгарди. IT соҳасисиз келажакни тасаввур қилиш қийин, — дейди Шароф Рашидов туманидаги 36-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Суннат Маҳмудов.

Давлатимиз раҳбари томонидан IT соҳа вакилларига жуда ҳам юқори марраларни эгаллаш вазифаси қўйилган. Жумладан, келгуси беш йилда IT хизматлар экспортини 1 миллиард долларга етказиш белгиланган. Мазкур соҳа ривожи учун яратилаётган шароит, имконият, имтиёзларни эътиборга олиб, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Агар ёшларни IT касбларга ўқитишни тўғри йўлга қўйсак, уларни сифатли инфратузилма, компьютер ва кафолатли буюртма билан таъминласак, албатта, бу маррага бемалол эришамиз”.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**




## 12 декабрь — Чингиз Айтматов таваллуд топган кун

# БАШАРИЯТНИ ОГОҲЛИККА ЧОРЛАГАН адиб ноласи




**Шаръий ЖУЗЖОНИЙ,
ёзувчи, профессор**



**Бундан 70 йиллар муқаддам мисрлик атоқли адиб доктор Тоҳо Ҳусайн “ал-Котибул-Мисрий” журналида “Бугун араб дунёсида ҳақиқий адиб борми?” деган саволни ўртага ташлаб, унга жавоб қидирган эди. У назарда тутган адиб кенг дунёқараш, чуқур тасаввур, латиф тахайюл ҳамда кучли бадиий ифода услубига эга бўлган ҳолда, ўз миллатининг руҳияти, психологияси, ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий қадриятлари, халқининг тарихий фожиаларини ҳар томонлама англаб, уларни таҳлил қила олганидан кейин воқеликка эришиш истеъдодидан баҳраманд бўлиши керак эди. Бундай адиб нафақат ўз халқи ва миллати, балки барча инсоният учун қайғуриш, мураккаб инсоний муаммоларнинг туб моҳиятига етиб, уларнинг ечимини топишга уриниш, инсоният келажагига оптимистик, ишонч билан қараш хусусиятига эга бўлиши лозим эди.**

Агар бугун Марказий Осиёда юқоридаги хусусиятларни (ҳеч бўлмаганда уларнинг асосий қисмини) ўзида мужассамлаштирган адиб борми, деб сўрайдиган бўлсак, бахтимиз шуки, бу саволга жавоб ижобий бўлади.

Таъкидлаш керакки, Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир ва Абдурауф Фитрат каби истеъдодли ва сермаҳсул адибларимиз ўз яшаган даврларидан анча илгарилаб, умумжаҳон меъёрларига мос келадиган асарлар яратиш йўлида фидойилик қилган. Афсуски, чинордек ўсаётган чоғларида мавжуд ҳукумат уларга нисбатан ваҳший муносабатда бўлди. Халқаро миқёсга кўтарилиши учун асло имкон қолдирмай, ҳаётларига зомин бўлди.

Тоталитар тузум даврида адабиёт ва санъат учун белгилаб берилган “социалистик реализм” деб аталган тор қолип ёзувчиларга ижодда жаҳон миқёсидаги меъёрларга асосланиб, юксак чўққиларга кўтарилиш имконини бермаган бўлса ҳам, айрим адиблар ўзларига хос услуб, дадиллик ва жасорат билан ушбу чегарани босиб ўтишга муваффақ бўлди. Улар фақат ўз миллати, халқигагина эмас, балки жаҳон аҳлига манзур асарлар ҳам ярата олди. Чингиз Айтматов ана шундай ёзувчилардан эди. У ўз миллати бошидан кечирган оғир аҳвол ва ечилмаган муаммоларни Ўрта Осиё қардош халқлари муаммолари деб билиб, уларни жаҳон даражасига кўтаришга ҳаракат қилди. У асарларини миллийлик хусусиятлари билан яратар экан, ҳеч қачон ушбу тор доира билан чегараланиб қолмай, халқаро миқёсда юз бериб турган ва юз бериши мумкин бўлган, жаҳон ҳамжамиятига тегишли муаммоларни ўртага ташлаб, ечимини қидирар эди. Шу боис, “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида яқинда Самарқандда ўтказилган саммит давомида Туркий давлатлар ташкилоти доирасида таъсис этилган Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан туркий дунё бирлигига улкан ҳисса қўшган буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовга берилди.

Чингиз Айтматов яратган асарларнинг ҳар бирида миллий руҳ, инсонсеварлик ғоялари, келажакка умид ва ишонч билан қараш уфуриб туради. “Жамила”да фожиалар омили бўлмиш урушга қарши ғазаб ва хусумат, нафрат ва лаънатни чуқур сезамиз. “Биринчи муаллим”да инсон ва унинг юксак мақомига ҳурмат билдирилади, севги-муҳаббат эъзозланиб, тубанлик ва ёвузлик устидан ғалаба исботланади.

Бундай ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Чуқур билим, кўп қиррали ҳаётий тажриба билан бирга, юксак идрок ва тафаккур кучи ҳамда бадиий ижод истеъдоди қўшилгандагина бу каби муваффақиятларга йўл топиш мумкин.

Чингиз Айтматов ҳам ўз ижодида юксак чўққилардан қуйига тушмади, умуминсоний ғояларни илгари сурди. У биринчилардан бўлиб ошкоралик даврида тоталитар тузумни қаттиқ танқид остига олди. Совет иттифоқи чегарасида яшайдиган барча халқлар миллий манфаатларини ҳимоя қила бошлади.

Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохоновнинг “Чўққида қолган овчининг оҳи зори” номли дилкаш суҳбатлар мажмуасини ўқиган киши адибнинг чексиз дунёқараши, истак-армонлари дунёси, Туркистон халқлари келажаги ҳақида қайғурганига гувоҳ бўлади. У Ўрта Осиё халқлари дўстлиги ва биродарлиги куйчиси, миллий ва тарихий қадриятларимизнинг жиддий ҳимоячиси сифатида буюк бобомиз Амир




Темур шахсияти ва юксак инсоний ғояларини ҳар доим эслаб, уларни ҳеч қачон унутмасликни тавсия қилиб туради.

XX асрнинг 80-йилларида халқимиз бошига маломат тошлари ёғилиб, тоталитар тузум матбуоти қаттиқ ҳужум бошлаган оғир шароитда Чингиз оға биринчи бўлиб “Правда” газетасида катта мақола билан чиқиб, ўзбек халқининг буюк ўтмиши, тарихий ифтихори, жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси қанчалик муҳим бўлганини кўрсатиб, кўҳна Византия маданиятининг русларга таъсири қанча кучли бўлган бўлса, қадим ўзбек маданияти ҳам Ўрта Осиё халқларига шунчалик кучли таъсир этганини таъкидлади ва шовинистик амалларни фош этди. Бу ўша оғир даврда ниҳоятда катта жасорат эди.

Адиб ҳаётнинг оғир синовларини бошдан кечириб, аччиқ-чучукларини тотиб ўтгандан кейин ўз ижодиётида бурилиш нуқтасига етиб борди ва XXI аср бўсағасида жаҳон адабиёти осмонида энг олий чўққилардан бирини тасарруф қилишга муваффақ бўлди.

Чингиз Айтматов фақат адабий ижод билан чекланиб қолмай, дипломатия соҳасида ҳам юксак ютуқларга эришди. У доно ва тажрибали дипломат сифатида кўп йиллар Бельгияда элчи сифатида фаолият кўрсатди. У жаҳон адиблари орасидагина эмас, балки жаҳон ҳамжамияти дипломатлари орасида ҳам катта эътибор ва обрўга эга бўлди.

Шарқ маданияти ва цивилизацияси соҳасида унинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги барча шарқшунослар диққат марказида туриб, обрўсини оширди. Чингиз оға томонидан асос солинган Иссиққўл форуми унинг ижодий ташаббусининг бир кўринишидир.

Иссиққўл форуми қайдномасида, жумладан, қуйидагилар билдирилган: “Янги ғоялар, сиёсат билан бирга ҳаётимизнинг барча соҳаларига тарқалиб янгича фикрлашни туғдириши лозим. Келажагимиз нафақат сиёсат арбоблари қабул қилган қарорларга, балки шулар қаторида алоҳида кучга эга гуруҳлар фаолиятига ҳам боғлиқ бўлиши керак. Юқори даражада фикрловчи инсонлар ва иқтидорли кишиларнинг фикрлари, олимларнинг кашфиётлари, шоир ва ёзувчиларнинг орзу-истаклари — мана шулар барчаси биргаликда янгича фикрлаш уруғларини сепишга ёрдам беради”.

Иссиққўл форумининг мазкур ҳужжатга қўл қўйган дастлабки иштирокчилари дунёнинг машҳур 16 шахси бўлиб, АҚШ, Буюк Британия, Куба, Туркия, Испания, Италия, Франция, Эфиопия, Ҳиндистон каби давлатлардан келган эди.

1997 йил Қирғизистонда бўлиб ўтган Иссиққўл форумида Ўзбекистондан Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуров, Байналмилал марказдан қирғиз шўъбаси раиси ва аъзолари иштирок этди. Форум дунё зиёлиларига, давлатлар раҳбарларига қарата ўзликни англаш ва миллий маданиятни асраб-авайлашга кучли таъсир кўрсатиш зарурлиги ҳақида мурожаатнома қабул қилди.

Улуғ ёзувчи 1995 йилда Ўзбекистоннинг “Буюк хизматлари учун” орденига сазовор бўлди ва Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси раиси этиб сайланди.

Энди бевосита ёзувчининг буюк асари — “Кассандра тамғаси” романига келадиган бўлсак, айтиш мумкинки, у асримиз буюк ёзувчисининг буюк асари сифатида тан олинган. “Кассандра тамғаси” зулмат ичидан балқиб чиққан қуёшдек “социалистик реализм”нинг тор доирасини ёриб чиқиб, жаҳон адабиёти диққатини ўзига қаратди.

Ҳар бир асар муаллифининг шахсияти ва дунёқараши меъёрлари билан ўлчанади. “Кассандра тамғаси”да Чингиз Айтматовнинг бутун бўй-бастини кўриш мумкин. Унинг ўткир қарашлари, изланувчан руҳи ва кучли идроки темир деворлар ортидан узоқларда жойлашган турмалару лагерларни, кимёвий, биологик ва психологик тажрибалар марказларидаги махфий лабораторияларда ўтказиладиган сирли текширишларни диққат билан кузатади. Уларда назарда тутилган ёвуз мақсадларнинг туб моҳиятига етиб бориб, бу ёвузликларга қарши эътирозини бадиий ифода орқали барча инсоният эътирози сифатида бутун дунёга билдиради.

“Кассандра тамғаси” романи ана шундай олий инсоний мақсадга қаратилган ва барча инсоният манфаати ва келажагини кўзлаб ёзилган гуманистик асардир. Ушбу асарни башариятни огоҳликка чорлаган адиб ноласи, деб атаган бўлардим.

Биз қуйида ушбу буюк романнинг хотимаси, айни пайтда асосий қисмини ташкил этган “Икс зурриёт” деб аталган боб устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Мазкур боб уммондан бир томчи бўлса ҳам, ношир таъкидлаганидек, унда қуёш акс этишини кўриш мумкин.

Асар бош қаҳрамони Андрей Андреевич ташландиқ чақалоқ сифатида болалар уйида тарбия кўради, олий ўқув юртларини тамомлагандан кейин ажойиб истеъдоди билан баланд мартабали профессор бўлиб камолга етади ва илмий текширишлари натижасида “икс зурриёт”ни етиштириш технологиясини яратишга муваффақ бўлади.

Мазкур технология шундан иборатки, инкуба аёллар колониялар ва бадарғахоналарда жазо муддатини ўтаётган минг-минг маҳкумалар орасидан махфий йўл билан танлаб олинади. Шартнома асосида бир бола туғилиши билан маҳкум аёлнинг ярим ҳибс муддати ва иккинчи бола туғилиши билан бутун ҳибс муддати тугайди. Ҳамлни кўтарувчи (инкуба аёл) “икс зурриёт” чақалоқни уч ойгача эмизиб, кейин давлат тарбиясига топширишга мажбур. У вазифани бажаргандан кейин узоқ туманлардаги лагерларга ёки бадарғахоналарга жўнатилади, кўрган-эшитганини ва таниган ходимлар номини сир сақлаш учун тилхат беради. Шартнома бузилса, иккинчи марта жазога тортилади.

Политбюро аъзоси Вадим Петрович Конюхонов профессор Андрей Анреевичга режани ҳар томонлама изоҳлаб, аҳамиятини кўрсатишича, “икс зурриёт”нинг афзалликлари шундаки, ота-онасиз, қон-қариндошсиз, сунъий шаклда туғилган ана шу зотлар оиладан, ҳар хил қон-қариндошлик ва уруғ-аймоқлик ришталаридан мутлақо эркин бўлади ва шундай ўткир кучга айланадики, бошқа



инсонлардан фарқли ўлароқ, орқа-олдига қарамай, қўрқинч ва шубҳа нима эканини билмай, бутун дунёда коммунизм ғалабаси учун курашади. Худди шу “икс зурриёт”лар оила ва бошқа қариндошлик алоқаларини эски зўравонлик дунёси қолдиқлари сифатида тарих чиқиндихонасига улоқтиради.

Унинг таъкидлашича, модомики, тақдирларни ҳал қилувчи атом зарбаси экан, бу ишни худди шу “икс зурриёт” амалга оширади. У ниманиям йўқотади, уни бирор киши билан боғлаб турган ҳеч нарса йўқ, ҳеч кими йўқ, ҳеч кимники эмас, ватани пробиркада унга ҳаёт берган шишадан бошқа нарса эмас. Кнопкани босиш керак бўлганда, унинг қўли қалтирамайди ҳам. Ҳамма гап биринчи бўлишда, ким томондан етиштирилган “икс зурриёт” биринчи бўлиб ядро зарбасини беришидадир.

Политбюро аъзоси барча инсоний қадриятлар, ахлоқий ва маънавий меъёрларни инкор қилган ҳолда, юқори органлар, коммунизм ғалабаси учун барча мухолиф дунёни атом зарбаси билан йўқотишга шошилаётганини ифодалайди. Унинг сўзларидан ҳайратланган Андрей Андреевич чиқарган хулосаларида асар муаллифининг улуғ руҳи, келиб чиқадиган фожиа нечоғлиқ даҳшатли, инсон ва

> **Чингиз Айтматов “Кассандра тамғаси” шоҳ асарида бутун башариятга тегишли долзарб масалаларни олиб чиқди ва барча инсоният учун қайғурди, десак адашмаган бўламиз. Унинг ана шундай олий ғоялар ифодаси жаҳон миқёсида тан олинди. Чингиз Айтматов асарлари дунёнинг 154 тилига таржима қилиниб, 20 миллиондан ортиқ нусхада нашр этилган.**

табиатнинг яшаш қонунларига нечоғлиқ қарши эканини яққол кўрамиз:

— “Икс зурриёт”лар бу ёруғ дунёда ҳамма учун авлод тажрибасининг давоми бўлмиш тарих ғилдирагини тўхтатиши, оталикка, оналикка чек қўйиши, ҳамма нарсага барҳам бериши керак эди. Асрлар оша кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ва ақлга сиғмайдиган ҳолат — Одам Ато билан Момо Ҳаводан сўнг иккинчи маротаба дунёдан ота билан она қувғин қилинди, қувғин қилинганда ҳам яширинча, осмону фалакни ларзага келтирадиган момоқалдироқ янглиғ нафрат гулдуросларсиз, барча даврларда бўлганидай нафрат-лаънатларсиз қувғин қилинди, ота-оналик бурчини йўққа чиқариш йўли билан, маккорлик ва секин-асталик билан ҳомилаларга ҳунар кўрсатиш орқали қувғин қилинди, шу билан бирга, йўқликка қувғин қилинди. Бу воқеаларнинг барчасида бош қаҳрамон, ота-оналикнинг таъқибчиси ва кўзга кўринмас жаллод сифатида мен турардим, — дейди у.

Бир куни инкуба аёлларни текшириш жараёнида Руна исмли бир аёлни олиб келадилар. У тилхатни бузиш қаттиқ жазолашга олиб боришига қарамай, жасурлик билан профессорга: “Мен сизни кўриш учун ва буларнинг ҳаммаси болаларнинг чўпчаклари эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун келганман,” деб ўз фикрини очиқ билдиради. Профессор сўрайди:

— Шундай қилишинг шартми?

— Шарт, бу сиз учун зарур.

— Мен учун? Нима, биз сен билан қандайдир муаммони ҳал қилаётирмизми?

— Ҳа, одамлар табиат ва Худо айтганидай урчишадими ёки бу муаммо шайтони лаиннинг васвасаси билан ҳал қилинадими?

У бир оз суҳбатдан кейин профессор таҳдидига жавобан:

— Айтадиган гапларимни айтиб олдим. Мен бир маҳбусаман, вассалом, нимага бу ёққа келаётганимни яхши билардим, мақсадимга етдим, ўз бурчимни қўлимдан келгунча бажардим. Бу суҳбат, эҳтимол, сизда қандайдир ҳис уйғотар, ўйлаб кўришга мажбур қилар, бошқа гапим йўқ.

Профессор аёлнинг жасоратидан, ҳақиқатга мос келадиган сўзларидан ғазабланса ҳам, чуқур ўйга чўмиб кетади. Соатлаб ўтириб, унинг сўзларини муҳокама қилади, унга тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиб, нима учун қамоққа тушганини аниқлаб олади. У ўз укаси билан совет кишилари ҳаётидан ҳужжатли фильмлар тайёрлаб, Ғарб мамлакатларига юборганликда айбланиб, жазоланган экан.

Аёлнинг кучли шахсияти, профессор табиатнинг илоҳий қонунига қарши қандай иш олиб бораётганини фош этувчи иборалари уни изтиробга солади. Бир ички туйғу унга ором бермайди. Бора-бора масаланинг турли жиҳатларини бир-бири билан солиштириб чиққандан кейин аёлга нисбатан унинг юрагида ҳурмат ва ишонч уйғонади ҳамда ўзига бундай дейди:

“Мана менинг вужудимда маҳбуса уйғотган виждоним тилга кирди. Бетайин ота-оналардан номаълум болаларни етиштириш, уларни инкубалар ёрдамида дунёга келтиришнинг инсониятга қарши ҳаракат эканини тан олиш — Руна мени шунга ундади”.

“Икс зурриёт” етишиб чиққандан кейин улардан ниҳоятда тубан ва ҳаёт қонунларига қарши турадиган мақсадларга эришиш учун фойдаланиш ва улар орқали оламни нобуд қилувчи атом зарбаларини амалга оширишга имкон яратилиши олимнинг аъзои баданини титратади. У ўз қўли билан қандай даҳшатли режаларни амалга ошириш учун имконият яратиб бераётганига ишонади.

Профессорнинг фикри бутунлай ўзгариб, мислсиз фидокорлик ва ақлга сиғмайдиган қилмишлари билан уни ром этган аёлдан кечирим сўрашга тайёр бўлади. Инсон зотига қилган ёвузликдан воз кечиш йўлида ўша аёл олдида тиз чўкишга ҳозир, ҳатто борди-ю, бу аёл унинг севгисини қабул қилса, унга уйланган бўларди.

Охири эртасига ўша аёлни суриштириб, у билан учрашишга қарор қилади. Лекин кутилган вақтдан бир соат ўтгач, Руна Лапатина Федуловна уни турмадан келтириш жараёнида касаллик узри билан машинадан тушиб қочгани, ўзини Москва дарёсига ташлагандан кейин соқчи томонидан отиб ўлдирилиб, жасади сувдан чиқариб олингани хабари етиб келади.

Профессор руҳан қаттиқ қийналади. Оғир лаҳзаларни ўтказгандан кейин ўйлайди: у чиндан ҳам ҳақ эди. Фан ҳар қандай юксакликка кўтарилмасин, унинг ютуқлари ўткинчи, фан чексиз тараққий қилиши мумкин, лекин фан тараққиёти виждон олдида ҳеч нарса эмас. Мангулик мазмуни ва ривожини ўзида мужассамлаштирган руҳ олдида ҳамма нарса ўтаверсин.

Андрей Андреевич ўз хонасида ўтириб, ҳўнграб йиғлайди. Руна қочган ва ўзини дарёга ташлаган жойларни бориб кўздан кечиради. Ўшанда у ҳаммадан ва бутун борлиқдан узоқлашиши кераклигини англайди.

Қайта қуриш йилларида “икс зурриёт” етиштириш масаласига чек қўйилди. У ярим йилдан кейин орбитал станция орқали космосга учади. Ана ўша ерда космик роҳиб — Филофий бўлиб олади.

Космосда у ўзи билан ҳисоб-китоб қилгандан кейин қуйидагиларни ўйлайди: “Биз қилган хатони тузатиб бўлмайди, давлат мулки бўлиб туғилган одамлар нима бўлади охири. Улар эртасига ўзининг ким эканини тушуниб олади. Жамиятдан қандай қилиб ўч олади? Вақти соати келиб, “икс зурриёт”ларда инсониятдан ўч олиш, тўнғиз қўпкўр дунёсига ўт қўйишдек қатъий истак пайдо бўлмасмикан?”

Шундан сўнг у ўз хотираларини компьютерда ёзиб қолдиради ва ўзини ўзи жазолаб, чегарасиз фазога сакрайди.

Филофий ёзган тавба-тазарру матни Интони Юнгернинг қўлига қишнинг бошларида келиб тегади. Бу Филофийдан келган охирги хабар бўлади.

Чингиз Айтматов “Кассандра тамғаси” шоҳ асарида бутун башариятга тегишли долзарб масалаларни олиб чиқди ва барча инсоният учун қайғурди, десак адашмаган бўламиз. Унинг ана шундай олий ғоялар ифодаси жаҳон миқёсида тан олинди. Чингиз Айтматов асарлари дунёнинг 154 тилига таржима қилиниб, 20 миллиондан ортиқ нусхада нашр этилган.

Унинг қарийб барча асарлари ўзбек тилида нашрдан чиққан.

Чингиз Айтматов бетакрор ижоди, инсонпарварлик ғоялари, дипломатия ва маданият соҳаларидаги фаолияти билан Ўрта Осиё халқларига мансуб, жаҳон тан олган йирик адиб ва ёзувчи сифатида катта эътибор ва ҳурматга сазовор шахс эди. Биз у билан фахрланамиз ва у яратган асарлар минтақа халқлари жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссанинг бир қисми деб биламиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1264.
80849 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:10 Топширилди — 23:45